

AGR



IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **В.ЧЕРДАНЦЕВ, П.ЧЕРДАНЦЕВ, М.ТРОНИНА.** Опыт государственного регулирования вылова рыбы в Европейском союзе
8. **L.MELNIKOVA.** The impact of Uzbekistan's WTO negotiation process on its agricultural sector
15. **Б.КАСИМОВ.** Соя навларининг уруғ таркибидаги оқсиллар ва ёғ миқдорига ўғит нормаларининг таъсири
18. **У.БЕГЛАЕВ.** Балиқчилик хўжаликларини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари
23. **З.СИДДИҚОВ, М.АЧИЛОВ.** Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
26. **Б.ИБРОҲИМОВ, С.НОРМУРОДОВ.** Уй-жой фондини бошқариш ҳолатини социологик сўровнома асосида ўрганиш
31. **Ш.УМАРОВА.** Миллий иқтисодиётнинг асосий драйвер соҳаларини жадал ривожлантириш орқали барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш
34. **Д.АКАБИРОВА.** Внедрение цифровых моделей в сельском хозяйстве
37. **М.САИДОВ, Д.САИДОВА.** Риски и возможности сельского хозяйства Узбекистана
41. **R.ERGASHEV.** Organization of fruit and vegetable cooperation in Uzbekistan
45. **Н.БОЛТАЕВ.** Аграр таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили
50. **N.DEKHKANOVA, F.GALIMOVA, U.SHERIPBAEVA.** Features of development of food industry enterprises
53. **Х.ҚУВНОҚОВ, Р.АЗИЗОВ.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарида инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш
55. **Н.МАРДИЕВ.** Инвестицияларнинг дисконтли даромадини ноаниқ сонлар назарияси усули билан ҳисоблаш
57. **И.ТУРСУНОВ, Г.МУХТОР.** Стратегия развития аграрного сектора на основе цифровой экономики
61. **Ш.ЮЛДОШЕВА, С.НОРМУРОДОВ.** Уй-жой коммунал хўжаликчилик кластерини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш
64. **S.XAMRAYEVA, J.PIRIMQULOV.** Qishloq xo'jaligini barqaror rivojlantirishda innovatsiyalarning tutgan o'rni
69. **А.БАЕВ.** Эффективное применение методов эконометрического моделирования в развитии экспорта плодоовощной продукции
72. **А.ТОШБОВ.** Қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этишда Германия тажрибаси
75. **Г.НАРИНБАЕВА, М.МУРАТОВА.** Развита плодоовощеводства в Республике Узбекистан
77. **А.ҚУРБОНОВ.** Агросаноат мажмуида қишлоқ хўжалиги техникалари йўналишида кичик тадбиркорлик кооперациясини ташкил этиш йўналишлари
84. **С.ШАРИПОВ, А.РАСУЛОВ.** Қуритилган ўрик меваларини фойдали хусусиятлари ва уларни қуритиш усуллари
86. **З.РУСТАМОВА.** Анализ состояния инновационного развития аграрного сектора Ташкентской области
91. **Г.ТУРСУНКУЛОВА.** Мева-сабзавотчиликда маҳсулотларга ва калькуляцияга назарий ва услубий ёндашувлар
95. **С.ДАВЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари
98. **Н.АШУРМЕТОВА, Н.МУСАЕВА, Ф.ХУДАЙБЕРДИЕВА.** Конкурентоспособность сельскохозяйственных предприятий Республики Узбекистан и необходимость их оцифровки
103. **Д.ТУРГУНОВ.** Анализ механизма финансирования «start-up» проектов
107. **А.КОМИЛОВ.** Материалларнинг таъминот жараёнида логистик харажатлар ҳисоби
110. **Т.МАМАНАЗАРОВ.** Асосий воситалардан самарали фойдаланиш, харажатларини ҳисобга олиш ва қайта баҳолаш
114. **М.ЗАРИКЕЕВА.** Инновациялар таснифи ва уларни хизматлар сифатига таъсири
117. **Д.МУҲАММАДИЕВА.** Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашда Европа давлатлари тажрибаси
120. **Г.РАХИМОВА.** “Депрессация” ва “амортизация” иқтисодий категорияларнинг ривожланиш ва шаклланиш концепцияси
123. **Н.ХАСАНХОНОВА.** Мамлакатда агроилмга асосланган иқтисодиёт соҳаларининг ҳозирги ҳолати таҳлили
127. **М.БАБАДЖАНОВА.** Қишлоқ хўжалигида “Эрта оғоҳлантириш тизими”
132. **З.ИШНИЯЗОВ.** Пахтачилик тармоғини ривожлантириш жараёнида пайдо бўладиган экологик муаммоларни аҳоли турмуш даражасига иқтисодий таъсири



ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИРИ

Зоҳид ИШНИЯЗОВ,

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар халқаро маркази таянч докторанти

Аннотация: Мақолада республикамиз пахтачилик тармоғини ривожлантириш борасидаги экологик муаммолар, тармоқда ресурслардан фойдаланиш жараёнида келиб чиқадиган атроф муҳит ифлосланиши аҳоли турмуш даражасига таъсири ўрганилган. Мақола якунида эса хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

Аннотация: В статье рассматриваются экологические проблемы, связанные с развитием хлопковой отрасли нашей республики, влияние загрязнения окружающей среды на уровень жизни населения, которое происходит при использовании ресурсов в отрасли. В конце статьи даны выводы и предложения и список использованной литературы.

Abstract: The article deals with environmental problems associated with the development of the cotton industry in our republic, the impact of environmental pollution on the standard of living of the population, which occurs when resources are used in the industry. At the end of the article, conclusions and suggestions are given, as well as a list of references.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъмин этиш истиқболи бугунги кунда энг аввало мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, ишлаб чиқарувчи ресурсларни тежовчи янги техника ва агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги фани ва техника таъриқиёти ютуқларидан, янги илғор тажрибалардан тармоқда кенг фойдаланиш – ишлаб чиқариш ресурсларининг танқислиги яққолроқ сезилиб бораётган бир пайтда, ресурсларни сифати ёмонлашиб, экологик муаммолар салбий оқибатларининг инсон саломатлиги учун ва ароф муҳит мусоффолиги учун ҳавфи кучайиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини стратегик ривожлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида пайдо бўлаётган экологик муаммолар туфайли ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви таркибида инсон саломатлиги учун ўта зарарли кимёвий бирикмалар кўпайиб бориши, тупроқни мелиоратив ҳолати ёмонлашуви, атроф муҳит ҳавсизлигини таъминловчи агротехнология, янги агротехник тадбир ва иқтисодий механизмларни илмий асосланган ҳолда амалиётга доимий равишда жорий этиб боришни талаб этиб келмоқда.

Яъни, пахтачилик маҳсулотларини

етиштиришда минерал ўғитлардан ёки дефолиантлардан фойдаланиш жараёнида тупроқ ва сув таркибида инсоният ва ҳайвонот дунёси учун зарарли бўлган турли хилдаги кимёвий бирикмаларнинг миқдори ортиб бориши, бу экологик муҳитни ифлосланиши бўлган бир ҳолатда, ушбу ифлосланишни бартараф этиш учун умуман олганда ишлаб чиқариш жараёнида минерал ўғитлардан ёки дефолиантлардан фойдаланмасликни имкони йўқ. Шундай экан, бундай шароитда пахтачилик тармоғини ривожлантириш ҳисобига ортиқча сарф харажатлар қилишга мажбур бўлаётган инсонлар томонидан билдирилаётган эътирозларни бартараф этиш энг мақбул йўллардан ҳисобланади.

Бундай вазиятда атроф муҳит ифлосланиши пахта етиштирадиган ҳудудларда пахтачилик соҳаси ҳисобидан бевосита даромад олмаётган инсонлар бўлиб, уларнинг соғлом яшаш, хоҳиш ва истакларига зид равишда ифлосланиш оқибатларига боғлиқ ҳолда улар ортиқча сарф харажат қилиб яшашига тўғри келмоқда. Бу ерда пахтачилик соҳасида кимёвий воситаларни ишлатилиши оқибатида экологик ифлосланиш тўғрисида фақат бир ўз фикрини билдирмоқдалар. Иккинчи томон эса, пахта етиштирувчи хўжаликлар ёки кимёвий воситаларни ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари бу ҳақда маълумотга эга бўлсада, фикрини баён қилаётгани йўқ ёки бир сўз билан айтганда улар ифлосланиш йўқ деб ҳисоблашади.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, агрокластер, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, экологик муаммо.

Энди юқоридаги бу вазиятларни бошқачароқ баён қиламиз. Пахтачилик тармоғида фойдаланилаётган заҳарли кимёвий воситалар билан ифлосланган ҳудудларда яшовчи фуқаролар, пахтачилик соҳасига ва заҳарли кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи соҳасига алоқадор бўлмаган кишиларга пахта хом ашёси ва заҳарли кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан доимий амал қилувчи молиявий тавон тўлаш йўлга қўйилди. Бундай ҳолатда аввалгидек экологияни ифлосланиши юз бераётган бўлсада, пахтачилик ҳудудда яшовчи фуқаролар атроф муҳит ифлосланиши ҳолати бўйича шикоят қилмасдан қўйишди. Лекин, иккинчи томон тавон пули тўлашга ўз хохишларини билдиргани йўқ. Аммо, тўланган тавон пули атроф муҳит ифлосланиши натижасида бошқа кишиларга уларни хохишларига зид равишда етказилган сарф харажатларни тўлиқлигича қоплаши зарур. Агарда бундай сарф харажатлар аҳолига тўғри келадиган бўлса, ишлаб чиқариш жараёни иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини оқламаслиги мумкин. Бундай пайтда жамият учун ишлаб чиқаришни сақлаб туриш ҳаётий зарур.

Экологик муаммоларни назарий жиҳатдан пайдо бўлиши ва уларни бартараф этиб бўлмаслигини қуйидаги мисол орқали янада яққолроқ тасвирлаш мумкин. Орол денгизини қуриб бориши нафақат мамлакатимиз учун балки Ўрта Осиё мамлакатлари ва шунингдек бутун дунё учун зарар келтирувчи экологик муаммо эканлигини ҳаммамиз яхши тушинамиз. Бундай ҳолатдан энг кўп зарар кўрувчилар аҳоли бу бевосита Оролбўйи ҳудудида яшовчи республикамиз аҳолиси ҳисобланади.

Пахтачилик тармоғини ривожлантириш, мамлакатимизда пахтачилик соҳаси билан шуғулланувчи хўжаликлардан кўра кўпроқ жамият манфаатлари учун хизмат қилувчи тармоқ ҳисобланади. Ушбу фикрга асосланадиган бўлсак, пахтачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлаётган экологик муаммоларни ҳал этишда давлатнинг бевосита ташкилий – иқтисодий, ҳуқуқий механизмлар орқали мувофиқлаштирувчи ва назорат воситаларидан фойдаланиш талаб этилади.

Экологияни ифлосланиши натижасидаги муаммоларни ҳал этишда музокаралардан фойдаланиш бу – биринчи навбатда экологик ифлосланишга сабабчи бўлган ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ортиқча сарф харажатлар қилишга мажбур бўлаётган томон ўртасидаги муноса-

батлардан иборат бўлади. Масалан, пахта экин даласида ишлаётган тракторчи доимий равишда трактор мўрисида чиқаётган заҳарли тутундан нафас олишга мажбур бўлаётганлиги унинг учун экологик зарар ҳисобланади. Ёки пахта даласида дефолиант сепаётган тракторчи зарарли муҳитда фаолият юритаётганлигини билади. Лекин, бу трактор ҳайдовчиси учун шикоят қиладиган экологик муҳит эмас. Чунки, тракторчи ва хўжалик раҳбари ўртасидаги олиб борилган музокаралар келишув якунига кўра, хўжалик раҳбари трактор ҳайдовчисига маълум миқдорда иш ҳақи тўлашга ва зарарли ҳудуд учун тавон пули тўлашга розилик билдирган. Бундай ҳолатда икки томон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар доирасида экологик зарарли ҳолатни юз бераётганлигига эътироз билдирилмайди.

Агарда трактор ҳайдовчиси юқоридаги иш фаолияти натижасида пахта етиштириш ҳудудида яшовчи бошқа аҳоли ҳам атроф муҳит ифлосланиш қурбонига айланаётгани тўғрисида шикоят қила бошлашса, пахта етиштирувчиси эса кимёвий моддалардан фойдаланмаслик йўлини ёки ҳудуддаги барча инсонлар учун тавон пули тўлаш имконини топа олмайди. Бундай жойда ҳақиқий ифлосланиш ҳолати юз беради ва буни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони йўқ.

Муаммони музокаралар орқали ҳал этиш жуда самарали бўлсада, аммо барча инсонлар турлича дид ва фаросатга, турлича дунёқарашга эга эканлиги, экологияни ифлосланиш кўлами ва даражаси ҳар хиллиги боисдан бу услуб ҳар доим ҳам биз кутгандек ижобий натижа бермайди.

Тадқиқотлар натижалари бўйича ҳулоса қиладиган бўлсак қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- пахтачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган экологияни ифлосланиш жараёни назарий, ижтимоий, ташкилий-иқтисодий нуқтаи-назардан бу – маҳсулот етиштирувчилар томонидан жамиятнинг бошқа аъзорларини розилигисиз уларга ортиқча харажатлар қилишига мажбур қилувчи ҳолатларни пайдо қилиш ҳисобланади;

- пахтачилик тармоғини ривожлантириш ва экологияни ифлосланиш даражасини камайтиришда эришилган қишлоқ хўжалиги фани ва илғор техника ютуқларидан ва тармоқда тўпланган илғор янги тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ

ҳолда юзага келадиган экологик муаммолар кўлами кенгайиб бориши, қишлоқ хўжалиги фани ва умуман инсоният олдига атроф муҳит ҳавсизлиги йўналишидаги фан ва техника тараққиёти устида ишлаш вазифасини қўймоқда;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган атроф муҳит ифлосланиши ҳолатининг олдини олиб бўлмайдиган ҳолатларида келтириладиган зарар миқдорини камайтиришда ташкилий-иқтисодий чора тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этиб борилиши лозим. Аммо, бу тадбирлар тўлиқ ифлосланиш олдини олиш ёки ифлосланиш манбасини бартараф этиш имконини бермайди.

Юқоридаги илмий-амалий хулосалар асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

– пахтачилик тармоғини ривожланти-

ришда аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган экологик муаммолар ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан бу- агроклостер ва фермер хўжаликлари томонидан жамиятни бошқа аъзолари розилигисиз уларга ортиқча харажатлар қилишига йўл қўймаслиги лозим;

– пахтачилик тармоғини ривожлантириш ва экологик хавфни камайтиришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда инсоният олдида экологик ҳавсизлик йўналишидаги тадқиқотлар олиб бориш лозим;

– табиатни ифлосланиши олдини олиб бўлмайдиган ҳолатда зарар миқдорини камайтиришда ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий, маданий ва ташкилий-иқтисодий чора тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этиб борилиши лозим.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хушматов Н Республикада пахта хом ашёси ишлаб чиқариш борасидаги муаммолар: Ўз БИ-ИТИ Илмий ишланмалар тўплами. – Тошкент, 2002. –31 б.
2. Бекназаров Ў.Ф., Мырзаев Б.Ж. Пахтачилик тараққиёти ва экологик маслаҳат тизимини ривожлантириш узвийлиги. /- Тошкент, ЎзБИИТИ, 2007, –57–58–б.
3. Бекназаров Ў. Файзуллаева Т. Экологик мувозанат // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2007. –№ 6. 19.